

Туркиялик машхур қори юртимизда



18:47 / 02 август 689

Бугун, 2 август куни Миср Араб Республикасида улуғ устозлардан таҳсил олган, туркиялик машхур қори, шайх **Ризо Гунай «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф»** жомеъ масжидига ташриф буюрди. Меҳмонни ушбу масжид имом-хатиби, устоз Исмоилжон Муҳаммад Содиқ илиқ кутиб олдилар. Азиз меҳмон жума намозини жамоат билан бирга адо этди. Шундан сўнг «Ҳилол нашр» нашриётининг бош дўконига ташриф буюриб, бу ердаги диний-маърифий, бадиий-публицистик адабиётлар, китобхонларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, нашриёт, дўкон ходимлари, шу билан бирга юртимиз ва халқимиз ҳаққига хайрли дуолар қилдилар.